

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

398 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланиш-
даги автомобиль йўллари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»
2010 йил 5 августдаги 169-сон қарорига ўзгартиришлар ки-
ритиш ҳақида

Автомобиль йўлларида фойдаланувчилар учун қулайликлар яратиш ҳамда транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2010 йил 5 августдаги 169-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

публикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 29 июль,
215-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 29 июлдаги 215-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги
автомобиль йўллари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»
2010 йил 5 августдаги 169-сон қарорига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 1-иловада:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«	2.	М37	Самарқанд — Бухоро — Туркманбоши (Самарқанд — Иштихон — Каттақўрғон — Кармана — Бухоро — Олот — Чоржўй, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида)	367
			шоҳобчалар:	
			а) Самарқанд ҳалқа йўли	46
			б) «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасига	2
			Жами шоҳобчалар билан	415

»;

б) «Узунлиги, км» устунининг охири сатридаги «3979» рақами «3981» рақами билан алмаштирилсин.

2. 2-иловада:

в) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«	1.	4P1	М39б автойўлидан шоҳобчалар:	22
			шу жумладан:	
			а) — Дўрмон масканига	5
			б) — Сирғали туманига	5
			в) — 4P12 автойўлига (17 км)	6
			г) — Тошкент шаҳрига кириш (61 км)	1
			д) — 4p252 автойўлига (3 км)	5

»;

г) 82-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«

82.	4P89	Қарши ш. — Толимаржон ГРЭС	60
-----	------	-----------------------------------	-----------

 »;

д) 139-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«

139.	4P156	Урганч ш. — Хонқа ш. — Ҳазорасп ш. — Тошсоқа орқали — Амударё — А380 автойўли (570 км)	73
		шоҳобчалар:	
		а) — Хонқа шаҳрига	3
		б) — Ҳазорасп шаҳрига	2
		в) — Тўрткўл пристанига	11
		г) — Туркменистон Республикаси чегарасига	15
		д) — Питнак шаҳрига	4
		е) — Мискин қишлоғига	14
Жами шоҳобчалар билан		122	

 »;

е) «Узунлиги, км» устунининг охири сатридаги «14069» рақами «14089» рақами билан алмаштирилсин.